

ЁШ АВЛОДГА ШУКРОНАЛИК ТАРБИЯСИНИ СИНГДИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ ҲАҚИДА

РТМ методисти
Мусурмонқулова Ойсулув

Таълим-тарбия соҳасини замонавий босқичга кўтариш, баркамол авлод тарбиясида жамоатчилик таъсирини кучайтириш каби муҳим вазифалар белгиланди.

Дарҳақиқат, биз юртимизнинг таянчи бўлган фарзандларимизни ўқимишли, одобли, юртга муносиб ворис қилиб тарбиялаш билан бирга уларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуммиллий кадриятларга ҳурмат-эҳтиром ҳамда шукроналик туйғуларини болалик пайтидан бошлаб шакллантиришга эътиборимизни қаратишимиз лозим.

Маълумки, халқимиз асрлар давомида шаклланган, онгига чуқур сингиб кетган катталарга салом бериш, ота-онасини ҳурмат қилиш, укаларининг кўлидан тутиш, кўни-қўшниларига кўмаклашиш каби анъана ва урф-одатлари билан ардоқлидир. Бу миллий маданиятимизнинг бош мезони маънавият саналади.

Маънавиятли инсоннинг шукроналик туйғуси ўз-ўзидан унинг хулқ-атворда, шахс сифатларида ва оилавий муносабатларда қанчалик акс этиши, исбот талаб қилинмайдиган ҳақиқатдир.

Хўш шукроналик ўзи нима? Буни болада қандай шакллантириш мумкин? саволларини муҳокама қилсак:

“шукрона арабча сўз бўлиб, миннатдорчилик, ташаккур, раҳмат айтиш, қаноат ва мамнунлик, шукр қилиш ифодаси”¹

Шундай экан, маънавий тарбияга уйғун ҳолда шукроналик тарбиясини ҳам уқтириб бориш лозим. Маълумки, шахс камолоти учун муҳим ҳисобланган хулқ-атвор, ирода, сабр-қаноат ва дунёқараш шакллари оила муҳитда таркиб топади. Боланинг табиати, феъл-атвори гўдаклигидан оилада шаклланади, жамият ўзгаришлари моҳиятини илк бора шу кичик жамоа орасида англайди.

Бола мактабда билим олиши билан бирга, ўртоқлари билан муносабатда нима яхши-ю, нима ёмонлигини, нимани қилиш ва қилмасликни билиб олади, у муайян мақсадни кўзлаб ақлга мувофиқ иш тутишни ҳамда инсонларга ва уларнинг феъл-атворларига танқидий баҳо беришни ўрганади. Ўртоқлари билан бўлган муносабатларида, хатти-ҳаракатида ажралиб тура бошлайди, ўзи англаётган ахлоқ меъёрларини бошқаларга ва ўзига нисбатан қўллаб, уларни мезон қилиб ола бошлайди. Бу мезон замирида ҳам боланинг шукроналик тарбияси мавжуд. Фақат биз озгина эътибор берсакгина, бу тарбия такомиллашиб, фарзандларимиз ўзлигини англашга чорлайди.

Форобийнинг таъкидлашича, ҳар бир кишининг феъл-атворида қараб тарбия икки хил - ихтиёрий ва мажбурий усуллар билан амалга оширилиши мумкин. Борди-ю тарбияланувчилар фан ва ҳунар ўрганишга мойиллик

билдирсалар, уларга нисбатан илҳомлантириш усули қўлланилади. Аксинча, мабодо улар ўзбошимча ва итоатсиз бўлсалар, мажбурий усулни қўллаш мумкин.²

Дарҳақиқат, шукуроналик тарбиясини ҳам фарзандларимизнинг ёш хусусияти, феъл-атвориға қараб тамойиллар асосида қуйидагича тарбиялаш мумкин:

Жумладан, **таълим тамойили** асосида, ўқитувчилар дарсликлардаги асарлар, шеърий мисралар, бадий асарлар орқали сабрли, иродали ва бугунги замондан мамнун бўлишни тушунтириб бориш ҳамда юртнинг ривожини учун ўз ҳиссасини қўшиш лозимлигини ўқитиш керак.

Алишер Навоий фарзанд тарбиясига ва уни шахс сифатида шакллантиришга катта аҳамият бериб, тарбияланувчини «ҳаёт чироғи» яъни, фарзанд оилаға бахт ва саодат келтирувчи зиёдор -деятель таъкидлайди. Шу боис, бу “зиё”ни янада равшанлантирмоғимиз керак.

Асарларда келтирилган қаноат, шукр сўзларининг мазмун-моҳиятиға аҳамият қаратайлик:

Навоий “Маҳбуб ул– қулуб” асарида “**Қаноат** шундай бир чашмаки, унинг суви ҳеч қачон қуримайди, бир хазинаки, сарф этган билан камаймайди. Шундай бир зироатгоҳки, уруғидан иззат ва шафқат ҳосили унади. У гўё бир дарахтки, унинг шоҳида ҳурмат меваси пишади...”³ каби фикрлари билан инсонни бевосита ўзига эргаштира олган. Адиб инсондаги иродани қаноатға ўхшатади, уни сабрли бўлишға чорлайди.

ёки шоирларимизға мурожат қилиб,

Бошинг эгиб таъзим айла шукрона айт,

Сени гулдек эркалаган чаман учун.

Осмонларда юрган бўлсанг тупроққа қайт,

Айтгин дўстим нима қилдик, Ватан учун?! мисралари орқали қалбига бир шуъла олиб киришимиз мумкин. Чунки, инсон ўзининг, халқининг бутун орзу-умидларини ҳам ватан истиқболи, унинг тинчлиги, барқарорлиги, тараққиёти билан боғлайди.

Кўргазмалилик тамойили асосида, буни ҳам ота-она, ҳам ўқитувчилар томонидан амалға оширилиши мумкин. Бунда болага суратлар, тарбиявий лавҳалар орқали ҳақни ноҳақдан ажратишда кўмаклашимиз керак. Дейлик, бир боланинг интернет орқали ёмонларға эргашиб қолганлиги тўғрисида лавҳа кўрсатилди. Шунда лавҳадаги бола аввало, ота-онасини алдаганлигини, қонунни, илмий, диний билимларни яхши билмаслигини асослаб тушунтириб берсак, фарзандларимиз бу лавҳанинг мазмун-моҳиятини янада тўлароқ англайди. Шунингдек, умрнинг шукуҳли дамларидан мамнун бўлиш, шукр дейиш лозимлигини айтиб ўтишимиз керак. Шукр сўзининг мазмун-моҳиятини тушунган болалар ёмон ишлардан ўзини тияди, яхши ишларға эргашади.

²“Ўзбек педагогикаси антологияси”, Т., “Ўқитувчи”1995й., 108-109 б.

³Алишер Навоий “Маҳбуб ул-қулуб” Ғофур Ғулом нашриёти. 45 бет

Ибрат ва тарбия тамойили асосида, дастурхон бошида, соғлигимиз ва тинчлигимизнинг тенгсиз қадри ҳақида сўзлаётганимизда фарзандларимиз олдида шукрона келтирсак, улар ҳам бу туйғуни англайди.

Шунинг учун биз ёш авлодга қаерда бўлмасин, ибрат кўрсата олишимиз керак. Ахир, қандай инсон бўлмасин, аввало инсон бўлиб яралганлигидан, мусаффо ҳаводан тўйиб нафас олиш имконияти борлигидан, жамики, гўзалликлардан баҳраманд бўлаётганлигидан қолаверса, бугунги барча имкониятлари мавжуд шу юртнинг фарзанди эканлигидан шукурона айтмай бўладими!?

“Ахлоқан мукаммал бўлган киши,- деб уқтиради Беруний,- лаззат меъёрини билади. Аммо шундай кишилар борки, талаб-эҳтиёжлари чексиз бўлиб, уларда дунёнинг дунёнинг кўрки, беҳузур, унинг гўзалликлари эса-хунук бўлиб туюлади”. 4

Биз ота-оналар ҳалоллик нима-ю, поклик нима? тушунчаларини англаган ҳолда тартиялар эканмиз, кўнглимиз хира бўлишига шубҳа қолмайди. Фарзандларимиз нафақат ҳаракатларимизни такрорлайди, балки қалбимиз, қарашимизни ҳам ўрганади. “Ибратда ҳикмат кўп”- дейди доно халқимиз, шахсий намуна бўлмаган жойда фарзандларимиз орзуларига эришиши қийин кечади.

Маънавий баркамоллик тамойили асосида, ёш авлоднинг шахсий хислатларини, ёши ва психологик хусусиятларини, қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда тарбиялашимиз лозим. Чунки, ўзи ишонмаган нарса ортидан ҳеч ким бормайди. Боланинг хатосини кечирмас, тушунтирмас, тўғри йўналтира олмас эканмиз, бу тарбияни бера олиш мушкул саналади.

Зеро, буюк мутафаккиримиз Алишер Навоий ҳам хатоларни тузатиш ҳақида “Хатога қарши чора бу, сўзсиз ўз хатосига очиқ иқдор бўлишдир, агар хатосига далил келтираверса, тўғри бўлса ҳам хато икки баравар ошади”-дея таъкидлайди. Хато инсонда учрайдиган ҳолат, бунини тузатиш мумкин, аксинча, инсон бу хатони яшираман деса, яна хато қилиши, боши берк кўчага кириб қолиши ҳеч гап эмас. Инсонда бир хусусият борки, ҳеч қачон айбини бўйнига олгиси келмайди, турли вазиятларни келтириб, ўзини ҳам ишонтира бошлайди. Ёшларда айниқса, бу ҳолат кўп учрайди, шунинг учун биз тўғри тушунтирмоғимиз, тарбияни тўғри йўналтирмоғимиз керак.

Мухтасар айтганда, миллий ўзлигини англатиш, истиқлол ғоясини ёшларимиз қалби ва онгига сингдириш орқали уларда шукроналик туйғусини ҳосил қилиш давр талабидир.

Юртбошимиз айтганларидек, бирор бир касалликни даволашдан олдин инсон организмида аввало унга қарши иммунитет ҳосил қилинади. Биз ҳам ёшларимиз қалби ва онгида ноҳуш ҳодисаларга, беабреликка қарши шукроналик тарбиясини бера олсакгина, турли хил даъватчиларнинг алдовларига учмайдиган ўз юрти Ватани ва халқи учун фидойи инсонларни тарбиялай оламиз.